Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 140 (5431)
23 ИЮНЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Советининг органи

«ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА»

● СССР Олий Советининг Президиуми 21 июнда Катта Кремль саройида Франция Республикасининг Президенти Франсуа Миттеран шарафига зиёфат берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко зиёфатда нутқ сўзлади.

● КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институтининг чет эллик бир группа тингловчилари Ўзбекистонга келдилар. Улар партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек республикадаги бир қанча меҳнат коллективларининг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш борасидаги иш тажрибалари билан танишадилар.

● 22 июнь куни Тошкентда «Ўзбекбирлашув» раҳбар ходимларининг кенгаши бўлди.

● *Бугун—Бутуниттифоқ комсомол-ёшлар шанбалиги*

Меҳнат байрами бўлади

Бугун эрталабданоқ одатдаги иш кунларн сингарн шаҳар корхоналарида ёш ишчилар—машинасозлар, кабелсозлар ва бошқа касб эгаларн иш бошладилар. Ёш қурувчилар ўзларн қураётган объектларга йўл олдилар. Бутуниттифоқ комсомол-ёшлар шанбалигида бир неча юз минг йигит ва қиз иштирок этмоқда.

Шанбаликка тайёргарлик жараёнида ҳар бир ёш ишчи олдига қўйилган муҳим вазифа — меҳнат унумдорлигини юксак даражада ошириш, фақат тежалган хом ашё ва материаллар, электр энергияси ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва зифаси қўйилди.

Бу тушунарли, албатта. Негаки, бу шанбаликкомсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг 60 йиллигига бағишланган. Комсомолга доҳий номи берилганига эса 1984 йил 12 июлда 60 йил тўлади.

Тракторсозлар зарбдорона ишлашади. И. Ли бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси агрегатларни йиғади. Бунда фақат тежалган электр энергиядан фойдаланишади. К. Ражабов бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи тўқимачилик комбинати ёшларн ўртасида бир сменада 2,5 минг метр газлама ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Кун охиригача олти юз минг метр турли газламалар ишлаб чиқарилади, шанбаликфондига 6 минг сўм ўтказилади.

Ёш ишчилар ҳаммаси бўлиб 900 минг сўмлик саноат маҳсулотларн ишлаб чиқаришади.

Метрополитен, телеминора, турар жойлар, мактаблар, болалар боғчаларн ва бошқа объектлар қурилишида ёшларнинг кўпчилик қисми меҳнат қилишади.

Олий ўқув юртларн студентларн ва ўрта махсус ўқув юртларн, мактабларнинг ўн минглаб ўқувчилари енг шимариб ишга киришадилар. Мактаб ва ҳунар-техника билим юртларн, техникумлар ва олий ўқув юртлари объектларини тартибга соладилар, маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш объектлари қурилишида қатнашадилар, турли ремонт ишларини бажарадилар. Юқори синф ўқувчилари меҳнат ва дам олиш лагерларида ишлашади. Пойтахт областининг хўжаликлари деҳқонларн ва боғбонларига ёрдамлашадилар.

150 мингдан зиёд йигит ва қиз ободонлаштириш ишларида қатнашади.

Бугунги комсомол-ёшлар шанбалиги шаҳар йигит ва қизларининг жанговарлик ва гражданлик етуклигининг кўригига айланиб кетди.

Барча резервлар—ишлаб чиқаришга

ЮКСАК БАҲО

БУГУН

Шаҳримиз саноат корхоналарининг фахрли беш қиррали белги билан муҳрланган маҳсулотлари хили 1042 тага етди. Ана шу маҳсулотларнинг 876 хили кенг истеъмол буюмларидир. Ўтган беш ой ичида 27 корхонанинг 278 хил маҳсулотига давлат Сифат белгиси берилди.

Айни пайтда сифатни бошқаришнинг комплекс системаси жорий қилинган корхоналар да унумдорлик ошмоқда. Шаҳримиздаги 142 корхона мазкур система асосида маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш умумий салмоғи агрегат заводида 84,4, «Компрессор» заводида 81,2, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида 61,7, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида 56,0 процентни ташкил этмоқда.

Г. ВОҲИДОВА.

РЎЗҒОРБОП БУЮМ

«Узбитпластик» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида аҳолига пенёкига мос рўзғорбоп буюмлар хили йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Ҳозирги кунда мазкур корхона маркаси билан тайёрланаётган маҳсулотлар хили 200 дан ошиқдир.

БУГУН

Бирлашмада янги буюмлар — пластмасса тогора ва пақирларнинг катта кўламли моделлари оммавий равишда ишлаб чиқарила бошланди. Иккинчи квартал давомида бу ерда яна икки хил маҳсулот кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий этилади. Йил охиригача эса бирлашмада ўн хил буюмни ўзлаштириш мўлжалланган.

Корхона коллективи юбилей йилида 16 миллион 660 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб реализация қилиш учун зарбдор вахтада туриб меҳнат қилмоқда.

МОЗАМБИККА ЖЎНАТИЛДИ

БУГУН

Шаҳримиздаги «Ташхимсельмаш» заводида тайёрланган «ОВХ — 28» маркали тақомиллаштирилган машиналарнинг бештаси корхонанинг доимий буюртмачиси Мозамбик республикасига жўнатилди. Завод йил бошидан берн ушбу мамлакатга 20 дан зиёд янги шундай машиналар етказиб берди. Йил охиригача корхонанинг хорижий буюртмачилари 100 дан ортиқ сифатли машиналарни олишга муваффақ бўлишади.

Юбилей йилида бу ерда социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. Завод ишчилари қутлуғ сана шарафига ошириган мажбурият олиб меҳнат қилишмоқда. Салкам беш минг дона янги унумли машина тайёрлаш — уларнинг кўзлаган мақсадидир.



БИНОКОРЛАР ЎЗ АҲДИГА СОДИҚ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва физика полимерлари институти қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда.

«Главредазирсовхозстрой»га қарашли «Промстрой» трестининг бунёдкорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига ушбу бинони юксак сифат билан фойдаланишга топширишни мўлжаллашяпти. 11-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи ҳозирги кунда оширилган социалистик мажбуриятни шараф билан бажармоқда.

Қурувчилар ўз аҳдига содиқ қолиб, смена топшириқларини ошиғи билан бажаришмоқда.

* * *

СУРАТДА: 11-қурилиш-монтаж бошқармасининг 2-участкаси прораби Г. Чакветадзе ва монтажчилар бригадири А. Қаюмов, Г. Еқубов фотоси.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Бригада пудрати асосида

Бригада хўжалик ҳисоби методи асосида ишлаб юксак муваффақиятларга эришишни бугунги кунда кўплаб коллективлар ўз фаолиятлари билан исботламоқдалар. «Главташкентстрой»нинг 2-трестига қарашли 16-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Пўлат Қурбонов бошлиқ коллектив илғор иш усулидан фойдаланиб, қувончли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда.

— Злобин методи асосида ишлаш,— дейди бошқарма механ ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Нина Васильевна Соколова жамоатчи мухбиримиз М. Фельдман билан бўлган суҳбатда, — кунлик қурилиш ишлари планини 20—25 процент ошириб адо этиш имконини бермоқда. Қурувчилар графикдан анча илгарилаб ишлашяпти. Улар шу кунларда Салордаги тозалаш-канализация иншоотни қурилишида юксак унум билан меҳнат қилмоқдалар. Бригаданинг Рафиқ Мифтахов ва Алексей Власенко каби арматурачилари меҳнатда бошқаларга намуна бўлишяпти.

Май ойида плиндан ташқари 1,5 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарган П. Қурбонов бригадаси республика юбилейига қадар ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йиллик топшириғини бажариш учун курашмоқда.

● Назоратчилар ёрдам беришди

САМАРАЛИ РЕЙД

Тошкент чинни заводида фойдаланишга топширилган янги участка учун асосий ишлаб чиқариш чиқиндилари муқим хом ашё ўрнини босадиган бўлди. Халқ назоратчилари бундан декоратив пардозлаш плиталарини ишлаб чиқаришни таклиф қилдилар.

Формовкачи Э. Исроилов бошчилигидаги халқ контроли группасининг аъзолари навбатдаги рейд давомида печ цехида кўплаб чиқиндиларнинг тўпланиб қолаётганлигига эътиборни жалб этдилар. Чинничилик ишининг тажрибали усталари бўлган назоратчиларнинг ўзлари цех раҳбарларини тартибга чақириб, корхона инженерларининг ижодкор бригадаси билан биргаликда ана шу чиқиндилардан янги маҳсулот тайёрлаш усулини ишлаб чиқдилар. Механика бўлими ярим автомат линияни тайёрлаб, монтаж қилди. Назоратчилар эса монтаж ишлари сифатли олиб борилиши ва белгиланган муддатда тугалланишини контроль қилдилар.

Ранг-баранг декоратив плиталарнинг дастлабки туркуми буюртмачиларга жўнатилди. Ўзбекистон пойтахтидаги геология музейининг ички томонлари ана шу плиталар билан пардозланмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, янги участка ҳар йили корхонага 100 минг сўмдан кўпроқ фойда келтиради.

ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРДА

Меъморчиликда традиция ва замонавийлик

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзининг бўлиб ўтган навбатдаги пленуми Ўзбек совет меъморчилиги амалиётида традиция ва замонавийлик масалаларига бағишланади. Унда СССР бадиий академияси-нинг мухбир-аъзоси, «ТошНИИгенплан» лойиҳалаш институтининг директори Ф. Турсунов, республикада хизмат кўрсатган архитектор, «Узгипросельстрой» лойиҳалаш институти директори Ш. Ҳайдарова, шунингдек, архитектор ва лойиҳачиларнинг меъморчиликда энг яхши янгиланиларини давом эттириш, уларни замонавий архитектура ютуқларига уйғунлаштириш масалалари юзасидан докладлари тингланди. Пленум қатнашчилари республика архитекторларининг янги лойиҳаларидан тузилган кўргазма билан ҳам танишдилар. Унда кейинги йилларда яратилган ноёб меъморчилик ансамбллари, архитектура комплекслари ва иншоотларининг ранг-баранг лойиҳалари намойиш этилаяпти.

ИШЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Шаҳар ҳуқуқ муҳофазаси органлари, юстиция ва прокуратура ходимларининг «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнатчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат пайтида коллективнинг меҳнат интизомини мустаҳкамлашдаги роли ҳақида сўз юритилди. Ишчиларнинг меҳнат қонунчилигини ва қонунчиликдаги кейинги ўзгаришлар билан боғлиқ ўнлаб саволларига батафсил жавоб берилди.

М. ХЎЖАЕВ.

БОЛАЛАР УЧУН КИНОЛЕКТОРИЙ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида ёш санъат мухлислари учун кинолекторий ташкил этилганига ўн йилдан ошди. Бу давр ичида санъатга оид бир неча фильмлар намойиш этилди.

Илмий-оммабоп фильмлардан «Асрлар оша», «Тутанхамоннинг иккинчи умри», «Мозаика», «Менинг Регистоним», «Ёш рассомлар», «Александр Невский қасри», «Реставрация санъати» каби лекторий фильмлар болаларга яхши таассуротлар берди.

Музейда болаларга санъат ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар намойиши давом этмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

Тинчлик фондига

Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 40 йиллиги яқинлашмоқда. Совет халқи тинч бунёдкорлик даврида коммунистик жамият барпо этмоқда. Ғарбнинг агрессив доиралари, АҚШ ўз халқларининг ҳоҳиш-иродасига қарши бориб, қуролланиш пойгасини тобора кучайтирмоқда. Ер юзида ядро уруши хавфини солмоқда.

Ҳар бир совет киши-си шуни яхши биладики, ҳозир тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан ҳам кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати империалистларн и н г ёвуз ниятига қарши бутун чораларни кўрмоқда. Ҳар бир кишининг бурчи бунга амалий ёрдам кўрсатишдир.

Ўзбекистон кўрлар жамиятининг аъзолари, кўпгина меҳнатчилар уруш жабрини яхши биладилар. Она-Ватанимиз шон-шарафи учун жанг қилган ветеранлар, фронт орқасида буюк Ғалабамизга ҳисса қўшган, ҳозир эса Ўзбекистон кўрлар жамиятининг аъзоси бўлган кишилар ўтган йили Совет тинчлик фондига 500000 сўм ўтказдилар ва республика меҳнаткашларини мурожаат қабул қилдилар. Бу мурожаатни саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг юзлаб коллективлари, минглаб кишилар қўллаб-қувватлашди.

Бу йил Ўзбекистон кўрлар жамиятининг ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари коллективлари тинчлик фондига яна 2 минг сўмдан зиёдроқ маблағ ўтказдилар. Бунинг 26 минг сўмдан зиёдроғи ленинча коммунистик шанбаликда жамғарилган эди. Ўзбекистон кўрлар жамиятининг Тошкент ишлаб чиқариш комбинати. Наманган ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўплигина корхоналари меҳнатчилари шахсий жамғармаларини тинчлик фондига ўтказдилар.

К. ПИРИМҚУЛОВ,
Ўзбекистон кўрлар жамияти марказий правлениеси президиумининг раиси.

● *Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан*

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг жанговар ва меҳнат шуҳрати музейида Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Урушнинг даҳшатли кунларида тўпша-тўғри цехларидан фронтга кетиб, қўлларига қурол олиб, Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кишиларнинг портретлари ва ҳужжатлари кўргазма экспонатлари бўлди. Бу ерга ўша вақтда ўқдорлар ишлаб чиқарган корхона коллективининг ғалабага қўшган катта ҳиссасига оид материаллар қўйилган.

Экспозицияни очиш маросимига трактор-созлар уч авлодининг намояндалари — собиқ фронтчилар, оталиқдаги мактабларнинг комсомолларн ва пионерлари келдилар. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, механика-йиғув цехининг электр слесари, Халқлар дўстлиги ордени нишондори А. Симонов, кўпгина жанговар орден ва медаллар нишондори М. Толкачев ва бошқалар тўпланганлар ҳузурида сўзга чиқдилар. Улар фашизмга қарши курашда совет халқи кўрсатган мислсиз жасорат тўғрисида гапириб, ёшларни ер юзида тинчликнинг ишончли таянчи— Ватан қудратини зарбдор меҳнатлари билан мустаҳкамлашга чақирдилар.

ҒОЯВИЙ САВИЯГА ЭЪТИБОР

Ҳамза район партия комитетида «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми меҳнаткашлар ўртасидаги идеологик, оммавий-сиёсий ишларда коммунистларнинг иштирокини кучайтириш ва уларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш тўғрисида» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференциянн Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов очди.

Тошкент олий партия мактабининг доценти Ф. П. Ким «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми коммунистларни ғоявий тарбиялашда партия ўқуви системасининг роли тўғрисида» доклад қилди.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари Б. Ю. Юсупов корхонада раҳбар кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ҳақида гапириб берди. Кўприк темир-бетон конструкцияларн заводи директори В. М. Бадалов меҳнат коллективлари ҳузурида сиёсий докладлар ўқишдаги ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. «Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари А. Н. Мақсудов ёш коммунистлар билан иш олиб бориш тўғрисида сўзлади.

● ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

Тошкент шаҳар халқ контроли комитети қошидаги доимий ишловчи семинарнинг якунловчи машғулоти бўлиб ўтди. «Партия ва ҳукуматнинг қарорлари асосида илмий ишларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда фан ва техника ютуқларини жорий этишни тезлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Фанлар академияси вице-президенти П. К. Ҳабибуллаев доклад қилди.

Илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструктор л и к муассасаларидаги халқ контроли группаларининг вазифалари ҳақида Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг фан, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш штатсиз бўлимн мудири Д. М. Сургутанова сўзлаб берди.

Йиғилганлар ана шу йўналишдаги иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Н. ИБРОҲИМОВА.

СТУДЕНТЛАР ОЛИМПИАДАСИ

Тошкент Давлат маданият институтида эстетика бўйича республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Олимпиадада республикамиз маданият ва санъат олий ўқув юртларининг студентлари қатнашиб, маркса-ленинча эстетика соҳасидаги билимларини намойиш этишди. Олимпиадада икки команда билан иштирок этган М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг биринчи командаси олимпиада голиби деб топилди.

Иккинчи ўринни Тошкент Давлат маданият институтининг биринчи командаси, учинчи ўринни эса Островский номли театр ва рассомлик институти студентлари эгалладилар.

Ғолиблар Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, республика ЛКСМ Марказий Комитетининг дипломлари билан тақдирланди. Консерватория командаси Тбилиси шаҳрида бўлдиган Бутун иттифоқ олимпиадасида республика шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«ТТЗ—2» массивида қурилаётган «Снёсий китоблар» магазинининг пойдевори тайёрланиб, темир-бетон конструкциялар қизғин монтаж қилинмоқда. «ТТЗ—4» массивида эса дорихона қурилиши тугалланди.

●

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Октябрь районида жойлашган филиалида шим тикиладиган комплекс механизациялаштирилган поток линияни ишлаб чиқаришга жорий этиш тугалланмоқда. Янги техника меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаб, ишлаб чиқариш маданиятини такомиллаштириш имконини беради.

●

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористкалари Ирода Тўлаганова, Фаузия Фароҳова, Заҳро Абдурашидова беш йиллик план-топшириғини муддатидан илгари бажаришди. Улар айни пайтда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича йиллик планни ҳам адо этишди. Тошкентнинг 9 илғори ташаббуси асосида корхонада ўттиз беш тикувчи хизмат қилмоқда. Улар ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятларини Ўзбекистон ССР ва Республика Компартиясининг 60 йиллигигача бажаришга аҳд қилишди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 32 даража иссиқ бўлди. Шу кеча кундузда ҳаво нам булутли, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 19—24, кундузи 34—39 даража иссиқ бўлади.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ТИНЧ КОСМОС УЧУН

Совет Иттифоқининг космосни милитарлаштиришнинг олдини олиш тўғрисидаги бутун инсоният манфаатларига мос тушувчи таклифлари ер юзидаги барча мамлакатларда чуқур тушуниш билан қўллаб-қувватланмоқда. Чет мамлакатларнинг етакчи сиёсат ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари ўртоқ К. У. Черненконинг Америка журналисти Ж. Кингс-Барр Смитнинг саволларига ва «Правда» газетасининг саволларига жавобларини шарҳлаб, Америка мамурияти совет амалий ташаббусларини муҳокама қилишдан бош тортиб, гаразли мақсадларни кўзлаётганлигини таъкидламоқдалар. Бу муддаоларнинг моҳияти шундаки, улар қурол-яроғларнинг ақл бовар қилмайдиган даҳшатли турларини космосга олиб чиқиш учун кенг имкониятларга ва бу билан ҳарбий устунликка эга бўлиб олишни мўлжалламоқдалар.

Америка газеталарининг хабарларидан, АҚШ раҳбарларининг гапларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Вашингтондагилар космосдан мутлақо янги турдаги қурол-яроғлар системаларн компонентларини жойлаштиришда фойдаланмоқчи бўлмоқдалар. Оқ уй гегемончиларининг гаразли муддаоларига кўра, бу космик қурол қуруқликдаги қурол-яроғлар, биринчи галда ядро қуролларн билан галлиқда Қўшма Штатларни космосдан туриб, қўпол ҳарбий куч ёрдамида бошқа халқларга ўз ирода-сини қабул қилдира оладиган «Буюк давлатга» айлантириши керак.

Америка ҳарбийлари бу хавфли режаларни амалга оширишда «Шаттл» кемалари программасига мувофиқ ўтказилаётган экспериментларга катта аҳамият бермоқдалар. Пентагоннинг режаларига кўра, чиниқтирилаётган технологиянинг янада ривожланиши келгусида орбитада лазер қуролига эга бўлган ва космик фазодаги ва ер юзидаги нишонни ҳам мўлжалга оладиган кучли ҳарбий базаларни вужудга келтириш учун йўл очиб бериши керак. Президент Рейган бу қуролни «мудофаа», «Ракеталарга қарши» қурол деб кўрсатишга уринаётган бўлсада, бу қуролнинг агрессив характерга эга эканлиги аниқ ва равшандир.

Рейган маъмурияти-нинг одамкўрлик режалари ҳатто Вашингтон юқори доираларида ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Масалан, яқинда АҚШ конгрессининг вакиллари палатаси ҳукумат тақдим этган 1985 молия йилидаги ҳарбий программаларни қараб чиқиш вақтида тузатиш қабул қилди. Бу тузатиш СССР ва бошқа мамлакатлар космосда йўлдошларига қарши қуролни синаб кўришдан тийилиб турган тақдирда Америкаиинг шундай синовларни ўтказиши учун маблағ ажратилишни таъқиқлашни кўзда тутди.

Совет Иттифоқининг бу масаладаги позицияси космос тинч бўлишини истаймиз. Бизнинг мамлакатимиз бу вазифанинг ҳал этилишига ёрдам беришга интилиб, ўтган йилдаёқ бошқа давлатлар, шу жумладан АҚШ космик фазога йўлдошларга қарши қуролни олиб чиқишдан тийилиб турган бутун вақт мобайнида шундай қуролларни космосга олиб чиқмаслик тўғрисида ўз зиммасига бир томонлама тартибда мажбурият олди. Оқ уй тинчлик тақдири учун масъулиятли эканлигини амалий ишларида тасдиқлаши, куч ишлатиш сиёсати истиқболсиз эканлигини англаши, мулоқот олиб боришга қаҳиқатан ҳам тайёр эканлигини кўрсатиши керак. Совет Иттифоқи шундай мулоқот бошлашга ҳамиша тайёрдир.

С. КУЛИК,
ТАСС шарҳчиси.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

МУСОБАҚА ТАЪСИРЧАН ВА ОММАВИЙ БЎЛСИН

КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ — МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ, МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ АРЗОНЛАШТИРИШ УЧУН РЕЗЕРВЛАР ИЗЛАШНИ КУЧАЙТИРИШДАН ИБОРАТДИР

Иқтисодий регионлар, бирлашмалар, корхоналарда хўжалик жиҳатидан ташаббускорликни, ижодкорликни авж олдириб юбориш — энг муҳим ва айни умумдавлат аҳамиятига молик вазифаларнинг биридир.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ШАРТНОМА БУЮРТМАЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРАЙЛИК

КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Мусобақадош районлар саноат корхоналарининг коллективлари ишлаб чиқариш фаолиятининг шу йилнинг январь—май ойлари учун белгиланган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларини муваффақиятли бажардилар. Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, саноат маҳсулоти реализацияси ҳажми бўйича беш ойлик топшириқни Киров райони 1,1 процент, Собир Раҳимов район 1,5 процент ортиғи билан адо этди. Йилнинг беш ойи мобайнида планга қўшимча 935 минг ва 1.653 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Меҳнат унумдорлиги бўйича план 103,1 ва 103,6 процентга бажарилди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 ва 5 процент юксалди. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилда Киров районида 5.597 минг, Собир Раҳимов районида 6.316 минг сўмликка юксалди. Бунда товар маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг меҳнат унумдорлигини юксалтиришга эвазига ўсиши 95,5 ва 86,4 процентни ташкил этди.

«Узбексельмаш» заводи, «Центргазэнергоремонт» заводи, тамаки фабрикаси (Киров район), «Тошкент» мебель бирлашмаси, 4-йирик панелли уйсозлик заводи, ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюроси, шаҳар маҳаллий саноатининг бадиий конструкторлик бюросида (Собир Раҳимов райони) сўнгги йилда ишлаб чиқариш ҳажми 10 процентдан ортиқ ўсди.

Бироқ, асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳамма корхоналар ҳам уддалади, деб бўлмайди. Жумладан, Киров районида маҳсулот реализация қилиш бўйича план 5-ғишт заводлари бошқармаси (89 минг сўмликка), Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институтининг корхонаси (426 минг сўмликка), Собир Раҳимов районида подшипник ремонти заводи (191 минг сўмликка), Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси (491 минг сўмликка) бажара олмадилар. Бу корхоналар, шунингдек «Ўртоқ» кондитер фабрикаси меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ўстириш бўйича қабул қилган социалистик мажбуриятларини уддалай олмадилар.

Маҳсулот таннархини планга қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш бўйича социалистик мажбуриятларни Собир Раҳимов районида бир қатор корхоналар — подшипник ремонти заводи, йирик панелли уйсозлик, экскаватор ремонти, 10-автомобиль ремонти заводлари уддалаша олмади.

Киров районидаги асбобсозлик заводи, 5-ғишт заводлари бошқармаси, Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти, Собир Раҳимов районидаги «Тошкент» мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси, металлни қайта ишлаш бирлашмаси, Тошкент ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси, подшипник ремонти заводи, дурадгорлик буюмлари заводи шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда реализация ҳажми бўйича планни бажармадилар.

Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти корхонаси, ипакчиғирув ва бош киймлар фабрикаси маҳсулот таннархининг нормативга қўшимча қимматлашиб кетишига йўл қўйдилар.

Киров районида Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган буюмлар умумий маҳсулот ҳажмида 15,7 процентни, Собир Раҳимов районида 29 процентни ташкил этди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планни нисбатан 2,4 ва 4 процент бажарилди. Бунда кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Киров районида 5,1 процентга, Собир Раҳимов районида 6,3 процентга юксалди. Бироқ, Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти корхонаси, асбобсозлик заводи, подшипник ремонти, дурадгорлик буюмлари, «Миконд» заводлари, металлни қайта ишлаш бирлашмаси кенг истеъмол буюмларни ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик топшириқни уддалаша олмади.

Йилнинг январь-май ойларидаги социалистик мусобақа якунини Киров район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири С. МОСКАЛЕНКО шарҳлайди:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларига риоя қилиш ва бу ишда министрликлар, идора ва корхоналарнинг масъулиятини ошириш тўғрисидаги қарорида жойларда давлат ва технология интизомини амалга ошириш, шериклар томонидан буюртирилган буюмларни белгиланган номенклатура ва муддатда ишлаб чиқариш бўйича планларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент» мебель бирлашмаси товар маҳсулоти ишлаб чиқаришда юксак суръатларга эришиб, шартнома мажбуриятларини муваффақиятли адо этишяпти. Кўрилган чоралар натижасида районда сўнгги ярим йилда шартнома бўйича топшириқларини бажара олмаётган корхоналар икки баравар камайди.

Бироқ, бир қатор корхоналар буюртмачилар олдидаги беш ойлик планнинг бажарилишини таъминлашмади. Булар орасида 5-ғишт заводлари бошқармасида, Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институтининг корхонаси, асбобсозлик заводи каби корхоналар бор.

5-ғишт заводлари бошқармасида меҳнат ва технология интизоми ҳамон бўш, ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатидан таъминлаш етарли эмас. Мана ўн йилдан ошдики, Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги бу ерда эскирган ускуналарни янгилаш ҳақида ғамхўрлик қилмаяпти. Буларнинг ҳаммаси ғишт ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўз вақтида Тошкент вакцина ва зардоб илмий-тадқиқот институти корхонаси ишлаб чиқаришни реконструкциялаш масаласига эътибор бермади. Бу гаммо-глобулин ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар бажарилмай қолишига олиб келди. Ҳозир корхона раҳбарлари янги ускуналарни ишга солиш бўйича шошилинч чоралар кўришяпти. Бу қолоқликни бартараф этиш имконини беради.

Асбобсозлик заводининг ишчан коллективлари корхонани моддий-техника таъминоти хизматини яхшилаш ҳақида қайғурмоқда. Ў ишлаб чиқаришни ўз вақтида зарур материаллар билан, жумладан, заготовкалар билан таъминламаяпти.

Ишнинг манфаатлари «Буюртма — қонун» принципига ҳар бир коллектив фаолиятида қатъий амал қилишни талаб этади.



«Узбексельмаш» (Киров райони) ва «Компрессор» (Собир Раҳимов райони) корхоналари шаҳримиздаги илғор коллективлардан саналади. Машинасозлар янги техника ишлаб чиқаришни муваффақият билан ўзлаштириб, йилнинг беш ойлик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлдилар. Ҳозирги кунда улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига муносиб туҳфа тайёрлаш учун курашишмоқда.

СУРАТЛАРДА: юқорида — илғор А. Абдушоҳидов бригадаси аъзолари («Узбексельмаш») — трактор сеялкаларини йиғиш бўйича энг яхши слесарь-йиғувчилар (чапдан-ўнгга) Ф. Эрназаров, Ж. Жиянбеков, А. Расулов ва В. Никитин.

Пастда — «Компрессор» заводи 3-цехининг илғор бригадаларидан бири (чапдан-ўнгга) Э. Ибодов, бригадир М. Сулаймонов ва Р. Алиев.

М. Нуриддинов фотолари.



Хайрли мақсад йўлида

«Ички резервлардан тўла фойдаланиш эвазига меҳнат унумдорлигини белгиланганига нисбатан 1 процентга ошириш, маҳсулот таннархини эса 0,6 процентга камайтиришга эришамиз. Бунинг натижасида планга қўшимча равишда 71649 дона ғалтак ип ишлаб чиқарамиз».

«Тошкент тўқимачилик комбинати йигирув фабрикасининг С. Мамедов бошлиқ бригадасининг 1984 йилги социалистик мажбуриятларидан».

— Цехимиз корхонадаги энг илғор коллективлардан саналади. Шуни алоҳида мамнуният билан айтиш мумкинки, цех ишчиларининг юксак ташаббускорлиги, ташкилотчилиги туфайли коллектив Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Бу ерда ҳар қандай ташаббус ишчиларнинг диққат марказида бўлади. КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари қарорларини шараф билан ҳаётга тадбиқ этаётган фидокорларимиз меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ўстириш, маҳсулот таннархини эса 0,5—0,6 процент камайтириш учун курашмоқдалар.

Кўзланган маррани эгаллашимизда меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада методи катта роль ўйнамоқда.

Бу ерда ишлаб чиқаришнинг ички жараёнлари, таъминот, онгли меҳнат, ишлаб чиқариш интизоми масалалари янги метод асосида таркиб топтирилган. Натижада белгиланган мақсадга кун сайин яқинлашиб бормоқдамиз. Йил бошидан бери 160 километр калава тежаб қолинди. Планга қўшимча топширилган шартли ғалтак ип 70 минг донадан ошиб кетди. Бундан деярли 20 минги тежалган калава ҳисобига тайёрланди.

Коллективимизни н г П. Любишкина, Н. Толикина, Ҳ. Мирсолиҳўжаева, Н. Волкова, В. Кувшинков сингари жонкуярлари бажарётган ишлар муваффақият гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Улар ўхшаш касбларда бемалол ишлай олишлари, бир кунда икки иш куни нормасини бажаришлари билан ибрат кўрсатишмоқда. Қилинаётган ишларнинг ҳаммаси, шубҳасиз шонли юбилейни муносиб туҳфалар билан кутиб олишга йўналтирилган.


С. МАМЕДОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати ип-йигирув фабрикаси ғалтаклаш цехининг илғор бригада бошлиғи.

● Буюк Ғалабанинг 40 йили

ЭНГ ҚУВОНЧЛИ КУН

Эртага, 24 июнь куни Ғалаба Паради ўтказилганига 39 йил тўлади. 39 йил муқаддам мамлакатимиз ўз Армиясидан Ғалаба рапортини қабул қилиб, уни шарафлаган эди.

Ғалаба паради қатнашчиларининг орасида икки марта жанговар орден ва кўплаб медаллар билан тақдирланган тошкентлик сержант Усмон Омонов ҳам бор эди. Унга 200 жангчи қаторида мағлуб бўлган немис армия, дивизия, полкларининг босқинчилик, зўравонлик ифодаси бўлган байроқларини Мавзолей пойига улоқтириш вазифаси юклатилган эди.



Улуғ Ватан уруши да иштирок этган жангчининг таржимаи ҳолида жуда кўп воқеалар бўлган. Лекин Ғалаба паради Усмон Омоновнинг ҳаётида унутилмас бўлиб қолди.

Сержант У. Омоновнинг жанговар йўлини Ватан мукофотлари ва Олий Бош қўмондонлик билдирган ташаккурномалардан ҳам билиб олса бўлади. У биринчи марта жангга Оржоникидзе шаҳрида 34-алоҳида ўқчи бригада составида кирди...

Босқинчиларни олдинга ўтказмаслик ҳақида буйруқ олинди. У. Омонов хизмат қилаётган миномёт бригадаси қечқурун жанговар маррани эгаллади. Тонг саҳарда душманнинг зирхли машиналари ва мотоциклларини кўринди... Шунда биздан «Ўт очилсин!» деган команда берилди. Ўт очилди. Артиллериячилар машиналар, миномётчилар пиёдаларни нишонга ола бошладилар. Фашистлар чекинишди. Бир соат ўтгандан кейин улар яна пайдо бўлишди. Бу сафар танкларни ҳам ҳужумга ташладилар. Даҳшатли жанг бўлди, жуда кўп қон тўкилди. Аммо босқинчилар мудофаани ёриб ўтолмадилар. Худди шу жангда кўрсатган жасорати учун У. Омонов «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди.

Шундан кейин Донбасс, Бендери, Сохачев, Скверневица, Лович, Вроцлав, Бжесць-Куявск, Коло шаҳарларини озод этиш учун бўлган жангларда қатнашди. Берлинни олишда иштирок этди.

Ғалаба Парадида қатнашишни жанговар фаолиятининг гултожи деб аташ мумкин. Бу Парадда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Шуҳрат орденининг тўла кавалерлари, жангларда ўзини кўрсатган, шон-шуҳратга бурканган мерганлар, жангчилар, сержантлар, старшиналар ва офицерлар қатнашишган эди. Сафда ўтиб бораётган сержантнинг кўксида Қизил Юлдуз, иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши орденлари, «Жасурлиги учун», «Кавказ мудофааси учун», «Польшани озод этганлиги учун», «Берлинни олганлиги учун» медаллари порлаб турарди.

1945 йил 22 июнида, яъни уруш бошланганига роппа-роса тўрт йил тўлган куни Олий Бош қўмондонликнинг 1945 йил 24 июнда фашистлар Германияси устидан Ғалабани Москвадаги Қизил майдонда парад ўтказиш билан нишонлаш ҳақидаги буйруғи газеталарда эълон қилинган эди.

24 июнь... Ҳаво анча тунд эди. Лекин қизил байроқлар, жангчиларнинг кўкракларидаги орден ва медаллар, уларнинг ёнларидаги қилич ва ҳанжарлар ялтираб турар, тантанали музика садолари гўё қора булутларни узоқ-узоқларга қувиб кетаётган дек эди.

Соат ўнда майдонни парад қўмондони маршал Рокоссовский айланиб чиқди. У Жуковга рапорт топширди. Қўшинлар тантанали маршга ҳозирлик кўра бошладилар. Кейинги воқеани У. Омонов шундай эслайди:

— Икки соат давомида полклар шаҳдам одим билан майдондан ўтишди. Ҳар бир оркестр алоҳида куй чалди. Бирдан музика тўхтади. Шундан кейин барабанлар овози эшитилди, мағлуб душман байроқларини майдонга олиб кириш навбати бизга келди. Мавзолейга яқинлашишимиз билан босқинчилик ва зўравонлик тимсоли бўлган фашистларнинг байроғини ғазаб билан улоқтирдик ва шиддат билан ўнгга бурилдик... Майдон узра шарос ёмғир ёғар эди. Ёмғир, хотира дидор кўришган сидорлик ёмғири. Шу боисдан ҳеч қачон эсдан майман.

Усмон Омонов Тошкентдаги мотор заводида ишчи бўлиб ишлаган. У Ўзбекистон фахрий автомобилчиси, ўнлаб йиллик ёшдан ошган «Меҳнат ветерани» дали билан мукофотланган. Ўз ёшидан ҳам мустаҳкамлик ва ҳалол меҳнат билан яшаётган Усмон Омонов ҳозирги кунларда ҳам фаол ижтимоий ишлар билан шуғулланмоқда.

М. ГОРДЕЕВ.

СУРАТДА: Ғалаба паради қатнашчиларининг орасида икки марта жанговар орден ва кўплаб медаллар билан тақдирланган тошкентлик сержант Усмон Омонов.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АСОСИЙ ВАЗИФА

БЕРЛИН. Оғир машинасозлик ва приборсозлик саноат комбинатлари директорлари ҳамда партия ташкилотчилари кенгаши қатнашчиларининг ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР давлат кенгашининг раиси Э. Хоннекерга юборган ва матбуотда эълон қилинган мактубида биринчи навбатда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш асосий вазифадир, дейилади.

Савдо-саноат корхоналарининг коллективлари Совет Иттифоқига юбориладиган маҳсулотларни аниқ, сифатли қилиб ва ўз вақтида тайёрлаш борасида кўп куч-ғайрат сарфламоқда, деб таъкидланади ҳужжатда. Кенгаш қатнашчилари меҳнат унумдорлигини плондан ташқари 1 процент ошириш, қўшимча хом ашё, материал ва энергия сарфламай плондан ташқари 2 кунлик иш унуми ҳажмида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга катта эътибор бермоқда. Шу йил давлат топшириғига қўшимча равишда аҳоли учун 13 миллион маркали маҳсулот тайёрлаш мўлжалланмоқда.

ҚАДИМГИ ҲУНАР СИРЛАРИ

ХАНОЙ. Вьетнамда энг кекса Хайфон гилам фабрикаси маҳсулотлари намуналарининг бу ерда очилган виставкаси кўпдан-кўп томошабинларнинг қизиқишига сазовор бўлмоқда.

Хайфонда қадимги гиламдўзлик сирлари авайлаб-асраб, бойитиб борилмоқда. Гиламнинг ҳар квадрат метрида 250 мингтадан ортиқ тугун бўлиши керак. Хайфонлик усталарнинг моҳир қўллари билан ювшюқ ва пишиқ, ранг-баранг гулли гиламлар тўқиб чиқарилмоқда.

Хайфонлик гилам тўқувчиларнинг ёрдами билан Ханой, Хабака, Хайхинг, республикадаги бошқа шаҳар ва вилоятларнинг давлат корхоналарида гиламлар тўқиш йўлга қўйилди. Жануб озод этилганидан сўнг мамлакатнинг шу қисмидаги Хоэ ва Хошимин шаҳарларида ҳам гилам тўқиш йўлга қўйилди.

Ўтган ўн йил ичида ВСРда гилам маҳсулотлар тайёрлаш беш баравардан кўпроқ ошди. Гиламни четга чиқариш ҳам муттасил кўпайиб бормоқда. Масалан, ҳар йили Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ўзигагина 300 минг квадрат метрдан ортиқ гилам ва гобелен юборилмоқда.

СОВЕТ МЕДИКЛАРИГА МИННАТДОРЧИЛИК

МАНАГУА. Никарагуанинг Чинандега шаҳрида СССРдан келган бир группа врачлар ва медицина ҳамшираларини катталар ҳам, болалар ҳам билишади. Мана икки йилдирки, улар шу ердаги чодирлардан иборат госпиталда ишламоқдалар. Медиклар 1982 йилнинг май-июнь ойларида кучли жала сабабли қаттиқ тошқинлар етказган жароҳатларни мамлакат даволаётган оғир бир пайтда Никарагуага келишган эди. Ўшанда экономикага жуда катта зиён етказилган, минглаб деҳқон оилалари бошпанасиз қолган эдилар. Тошқин маркази— ғарбдаги Леон ва Чинандега департаментларида жароҳатланганлар ҳамда беморлар бор эди. Ёрдам тўғрисидаги даъватга биринчи бўлиб Совет Иттифоқи, лаббай, деб жавоб берди ва тез орада Чинандега атрофидаги ялангликлардан бирида қизил крест тасвири туширилган биринчи чодир пайдо бўлди. Маҳаллий деҳқонлар, косиблар, индейецлар шу чодирга навбат билан келаверишди.

Жала ёмғирлар тинди, аммо миннатдор кишилар совет врачларидан ажралишни истамас эдилар. Никарагуа хукуматининг илтимосига биноан муваққат чодир госпиталь хавфли касалликларни тугатишда, болалар ўртасидаги ўлимга қарши курашда, миллий соғлиқни сақлаш системасини қарор топтиришда сандиночилар халқ революциясига ёрдам бериш учун мамлакатда қолди.

Икки йил мобайнида совет врачлари неча ўн минглаб никарагуаликларга медицина ёрдами бердилар, улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан халқнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлдилар. Чинандега аҳолиси уларга нисбатан ҳурмат ва дорчилик бепул госпитал тида госпитал Никарагуа дўсти ми билан аталган.

Никарагуа бо харбий округи мондони Хавьер Пичардо медицина марказ солинган кунни йилларига бағиш тантанали митинг га чиқиб, Совет қи билан дўстл хамкорлик халқига Америка ролли агрессия этишда, Ватан

● Америка Қўшма Штатларн Никарагуага қарши тўғридан-тўғри қуролли агрессиянн бошлаш билан хавф солиб турибди. Шунинг учун ҳам Марказий Америкадаги ана шу мамлакатнинг халқи ўз революцион ғалабаларини ҳимоя қилишга ҳамиша шай бўлиб турибди.

СУРАТДА: Никарагуадаги сандиночилар халқ милициясининг жангчилари.

АПН—ТАСС фотоси.



ИНЖЕНЕРЛИК ЖИҲАТИДАН ТАЪМИНЛАШ ҚАНИ?

● ҚОЛОҚЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

Йилнинг беш ойдаги ишлаб чиқариш-иқтисодий фаолият якунлари бўйича Фрунзе районида уч корхона планлаштирилган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини уддалай олмади. Булар қаторида «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бор. Гарчи бу корхонада меҳнат унумдорлиги бўйича план 3,4 процент ортиғи билан адо этилган бўлса ҳам, асосий буюмларни реализация қилиш бўйича план 58 минг сўмликка, товар маҳсулоти бўйича план 48 минг сўмликка кам бажарилди.

* * *

Қолоқликнинг сабаби нимада! Бирлашма корхоналарида бу қолоқликни бартараф этиш учун нималар қилиняпти! Бугун бу саволларга бирлашма бош директори Т. ЁҚУБОВ ва партия ташкилоти секретари Н. АСАДОВ жавоб бердилар:

Коллектив бу йил юксак самарали қурилиш материалларн «Шишали кристаллит»ни ўзлаштириш ва тайёрлаш бўйича муҳим вазифаларни зиммасига олган. Унинг асосий қисми — 400 квадрат метри, шунингдек 50 тонна кондицион чиқиндилар юбилей объекти — усти берк бозорга мўлжалланган.

Бироқ, шу пайтгача «Главташкентстрой»нинг 11-«Висотстрой» трести пудратчи ташкилотлари раҳбарлари томонидан ҳамда қурилиш буюртмачиси — Савдо министрлиги томонидан олувчи белгиланмади. Мана шунинг учун ҳам жами 60 минг сўмлик буюм реализация қилинмай қолди.

Шундай қилиб, материалларни буюртмачиларга етказиб бериш товар маҳсулоти реализациясидаги етишмовчилик ўрнини дарҳол қоплайди..

Иккинчи томондан 1-Тошкент ғишт заводлари бошқармаси бўйича планнинг ўзлаштириш масаласи ҳал этиляпти.

* * *

РЕДАКЦИЯДАН: Албатта, «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот реализациясиҳ бўйича планнинг бажарилмаслигида кўп жиҳатдан «Главташкентстрой» ва Савдо министрлиги айбли. Булар бир қатор ташкилий масалаларни ҳал этишни чўзиб юборишди.

Лекин фақат шуларгинами? Шу йилнинг беш ойи мобайнида (1983 йилнинг шу даври билан солиштирганда) бирлашма корхоналарида ғишт ишлаб чиқариш 1,7 миллионтага камайиб кетди. Жумладан, январь-май ойларида 27 миллионта пишган ғишт ишлаб чиқариши керак эди. Аслида 24,3 миллионта пишган ғишт ишлаб чиқарилди. Бунинг сабаби ғишт корхоналари, уларнинг ускуналари ўз вақтида ремонт қилинмаганлиги, ишлаб чиқариш-инженерлик жиҳатидан таъминланмаганлиги, шунингдек зилзила оқибатида оғир аҳволга, ҳатто авария ҳолатига келиб қолганлигидадир. Айрим участкаларни капитал ремонт қилиш, техника хавфсизлиги бўйича алоҳида назоратда тутиш керак. Бироқ Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги техниканинг аҳволи шундайлигини била туриб, ўз корхоналарига зарур моддий-техника ёрдамини кўрсатмади.

ЛУҚМА

КУЛСИНМИ... ЙИҒЛАСИНМИ?

Узоқ-яқинда танишбилишларингиз бўлсаю улардан хабар келиб турмаса ёмон. Унутиб юборишдими деб ҳафа бўласиз. Мабодо нотаниш лардан ўстма-ўст хат ва телеграммалар келаверса ундан баттар экан. Ҳамманинг ташвишига шерик бўлишингизга тўғри келар экан.

«Биз шунақа аҳволга тушиб қолдик,—деб ёзади Искандар Икромов кўчасида яшовчи Э. Азаматов. —Нотаниш одамлардан уйимизга хат ва телеграммалар келиб турадиган бўлиб қолди. «Гоҳ Эшматдан хат келади, гоҳ Тошматдан телеграмма оламиз».

Оқшомхон Э. Азаматов почтальон ташлаб кетган навбатдаги телеграмманн конвертга солиб бизга юборибди. Телеграмма чиндан ҳам Тошкент шаҳар Икромов кўчасидаги 18-уйга, лекин Абдураҳмонов Абдуллажон номига юборилган. Тошкентда Абдуллажон деган одам бўлса маълум қиламиз. Кеч бўлса ҳам билиб қўйинг: Деновдан қарindошингиз Амирқулдан келган телеграмма юқоридаги адресда яшовчи Э. Азаматовнинг уйига ташлаб кетилган. Қарindошингиз сизни Биринчи Май байрами билан қизғин табриклаган экан.

Лекин бундай табриклар ҳамшаҳримиз Э. Азаматовни қувонтираётгани йўқ. Навбатдаги телеграмма табрикнома бўлмай, таъзиянома бўлса-чи! Унда ҳамшаҳримиз қандай аҳволга тушсин! Йиғласинми ёки алоқачиларнинг адресларни адаштирибюборишларидан кулсинми!!

М. НУРМАТОВ.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ
23 ИЮНЬ, 1984 й.



Ақл ва ҳусн ҳақида

● Ҳаёт сўлмайди, ақл ўлмайди.
● Бир дононинг ишини минг нодон тушунмайди.
● Ақл бўлмаган уй қуёшсиз осмонга ўхшайди.
● Аҳмоқ одам ақлли одамдан қочиб юради.
● Ақлнинг узуни яйратар,
Тил узуни қийратар.
● Ҳар қандай яра битиб кетади, лекин нодонликни тузатиб бўлмайди.

Байт:
Бало дарди эрур аҳмоғу-нодон,
Унга йўқ ҳеч қандай дори-ю-дармон.

Ҳикоят: Бир дарвешсифат одам донони ...ратиб сўради:
— Ҳаётда шунча юрдиму, бирор тарбиячи ...пмадим, менга ким устозлик қилади?
Доно айтди:
— Устоз тополмаган бўлсанг, ҳаётдан ўрган. Энг одил устоз ҳаётдир. Шоирнинг мана бу байтини ёдингда тут:
Кимки ҳаётдан олмаса таълим,
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

● Олам тургунча, одам ўлгунча ақл ўргади.
● Табиатнинг инъоми, одамнинг камоли ақлдир.
● Илон заҳри тишида.
Одам ақли ишида.
● Пастак тоғнинг қори йўқ,
Ақлсизнинг ори йўқ.

Масал: Зоғора балиқ Қурбақадан сўради:
— Анови ўрдак сувга нега ҳам боши, ҳам думи билан шўнғийверади?
Қурбақа айтди:
— Ўрдак шошиб яшайди, ақлсизлигидан ҳам боши, ҳам кети билан сувга шўнғийверади. Кўрмайсанми, унинг ҳолига дарахтдаги ...маймунлар йиғлаяпти.

Ҳисса: Ақлли одамлар бир ишнинг бошини ...(учини) ...тадилар ва уни поёнига етказмагунча иккинчи бир ишга қўл урмайдилар.

Ҳикоят: Бир қутурган фил қишлоққа кириб ...олиб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилди. Одамлар қўрқиб, ҳар ким ҳар томонга қоча бошлади.
— Бу балодан қандай қутуламиз? — деб ...ҳайрон бўлишди одамлар.
Шунда бир доно киши от қилларини бириктириб эшиб йўғон арқон тайёрлади, сўнг ...от пойлаб филнинг оёғини чандиб боғлади. Қишлоқ аҳли қутурган фил ҳужумидан қутулди.

Байт:
Илму-ақлнинг баҳоси йўқдир,
Ҳар балога тенги йўқ ўқдир.

● Кимки ўз ақлига бино қўйса, у аҳмоқдир.
● Баъзи одамлар, ҳуснни нима қиласан, ...ни ботириб ейсанми, дейишади. Йўқ, бундай ...мас, ҳусн ҳам керак, ундан кўз нур олади, ...дил яйрайди.

Ҳикоят: Бир донодан сўрашди:
— Етук, мукаммал одам қандай бўлади?
— Етук одам гулга ўхшайди, — деди доно.
— Атир гулга қаранг, ҳам ҳусни бор, ҳам ...ушбўй ҳиди бор. Камоли одам ҳам чиройи, ...ҳам ақл-заковати билан гул-гул ёниб туради.

Байт:
Ҳусну-латофатда назокатли бўл,
Ақлу-идрокда заковатли бўл.

Масал: Сарв дарахти адил қоматини кўз-...кўз қилиб, Анжир дарахтига гап қотди:
— Намунча эгиласан, намунча ерпатак бўласан.
— Одамларга шарбат тайёрлаяпман. Қоматим сендек гўзал бўлмаса ҳам, ширин неъматим бор.

Байт:
Ҳусн қариб кул бўлур,
Ақл ўсиб гул бўлур.

Момонинг котиби Тўлқин РАСУЛЕВ.

Санъатнинг сеҳрли олами

Пойтахт театрларида

Тошкент театрларининг ижодий коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўришмоқда. Республика юбилейига атаб бир қатор янги саҳна асарлари яратиляпти. Илгари хабар берганимиздек, А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрининг опера труппаси композитор Сергей Прокофьевнинг «Оловли фаришта» операси устидаги ижодий ишларни ниҳоясига етказмоқда. Айни пайтда театр санъаткорлари юбилей тантаналарида ижро этиладиган рангбаранг рақс ва қўшиқлар гулдастасини ҳам тайёрламоқда.

Яқинда пойтахт санъат мухлисларини В. Шекспирнинг «Отелло» спектакли билан хушнуд этган Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри коллективи яна бир саҳна асарини премьерага тайёрлаяпти. Ёзувчи А. Прохановнинг «Кобул марказидаги дарахт» романи асосида тайёрланаётган спектакль тез орада санъат мухлислари эътиборига ҳавола этилади. «Йўл бошида» деб номланган ана шу саҳна асарини театрнинг бош режиссёри, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган. Спектаклга республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби рассом Георгий Брим рангбаранг декорациялар ишлаган. Асосий ролларни Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Пўлат Саидқосимов, Тўйчи Орипов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Толиб Каримов, Гулчеҳра Жамилова, истеъдодли актёрлар Афзал Рафиқов, Римма Аҳмедова ва бошқалар ижро этишади.

— Спектаклни тайёрлаш жараёнида СССР халқ артисти, машҳур кинорежиссёр Малик Қаюмовнинг Афғонистон революцияси ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларидан ижодий фойдаландик, — дейди постановкачи-режиссёр Б. Йўлдошев. — Ушбу спектакль премьерасидан тушган маблағни афғон революцияси фондига ўтказишга қарор қилдик.

Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театр коллективи ҳам афғон халқининг озодлик кураши ҳақида ҳикоя қилувчи «Узилган торлар» спектаклини саҳналаштирди. Спектаклни режиссёр Н. Сайидхонов рассом А. Жибоедов ва театрнинг истеъдодли ёш актёрлари ҳамкорлигида саҳнага қўйди. К. Амеров ва М. Бафоевлар яратган ушбу саҳна асари премьераси театр гастроллари ўтаётган Бухоро шаҳрида бўлди.

Пойтахтдаги «Ёш гвардия», Охунбобоев номли ёш томошабинлар театри ва бошқа театрларнинг ижодий коллективлари ҳам республикамиз юбилейига атаб янги саҳна асарларини яратишмоқда.



СУРАТДА: Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театрининг «Узилган торлар» спектаклидан саҳна.
С. Каган фотоси.

Шанба оқшоми

● ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ — ПАРИСИ БОР
● САНЪАТКОРЛАР — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА
● АЖОЙИБОТЛАР



ВАТАНИМИЗ БОШ КЎРГАЗМАСИ

МОСКВА. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси ташкил этилганига чорак аср тўлмоқда. Виставка очилгунга қадар унинг территориясида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги виставкаси жойлашган эди.

Ҳозирги кунда СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси чинакамига умумхалқ билимлари университетига айланган.

300 гектарга яқин майдонга жойлашган виставка 80 дан зиёд павильонга бўлинган. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан чет мамлакатлардан ҳар куни минглаб зиёратчилар бу ерга ташриф буюрадилар.

СУРАТДА: СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг энг чиройли павильонларидан бири — «Совет маданияти» павильони».

В. Созинов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Фан оламида нима гап?

ПОЛИМЕРЛАРНИНГ «УМР»И УЗАЙДИ

Ҳозирги вақтда полимерлардан фойдаланмаётган халқ хўжалигининг бирон-бир соҳасини учратиш қийин. Полимерлар медицинада, қишлоқ хўжалигида, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, машинасозликда кенг қўлланилмоқда. Улар енгиллиги, пишиқлиги, тиниқлиги билан анъанавий материаллар — металл ва ёғоч кабиларнинг ўрнини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда. Аммо полимерлар ҳам иссиқлик, турли агрессив воситалар таъсирида эскиради, «ҳаёти» қисқаради. Шунинг учун ҳозирги кунда Иттифоқимиздаги йирик илмий-тадқиқот муассасаларида полимерларнинг «умри»ни узайтириш борасида катта илмий-тадқиқот олиб борилмоқда. Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар дўстлиги орденли Тошкент политехника институти полимерлар проблематик лабораториясининг ходимлари полимерларни эскиришдан сақлашда, уларнинг «умри»ни узайтиришда республикамиз саноат корхоналарининг чиқиндиларидан фойдаланмоқда. Химия фанлари доктори, профессор А. Жалилов ва химия фанлари кандидати, катта илмий ходим Э. Фатхуллаевлар ёғ-мой заводларининг кўп минг тонналик чиқиндиси — госсипол смоласи халқ хўжалигида жуда кўплаб ишлатиладиган поливинил-хлорид полимерларига оз миқдорда қўшилганда, уларни барқарорлаштириш, эскиришдан сақлаш ва бунинг натижасида уларнинг ҳаётини узайтириш мумкинлигини аниқладилар.

Лабораторияда олинган натижалар катта ярим саноат қурилмаларида синовдан муваффақиятли ўтди. Госсипол асосида олинган стабилизаторлар ёрдамида поливинил-хлорид полимерларининг катта партияси ишлаб чиқилди.

Лаборатория ходимлари ёғ-мой заводи чиқиндиларидан полимерлар ишлаб чиқаришда комплекс фойдаланишдан ташқари, пахта ва гидролиз заводларининг чиқиндиларидан ҳам қимматли маҳсулотлар олишда фойдаланишга қаратилган муҳим тадқиқотлар билан шуғулланмоқдалар. Янги стабилизаторлар ўнлаб СССР авторлик гувоҳномалари билан ҳимоя қилинди. Саноат чиқиндиларидан полимерлар химиясида фойдаланиш халқ хўжалигига катта иқтисодий фойда етказиш билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Д. ЮСУПОВ,
химия фанлари кандидати, доцент.

КАМАЛАК ШАХМАТ КЛУБИ


Клуб Советининг раиси гроссмейстер Георгий АЪЗАМОВ

Гроссмейстер Корольковдан кўчирма

...Юрагим ҳаприқиб, редактор хонасининг эшигини очдим-да, ҳаяжондан дудуқланиброқ дедим:

— Мен бир масалача тузувдим. Уч юришли... Бу биринчи машқим, десам ҳам бўлаверади...

— Қани, бир кўрсатинг-чи, ўша машқчангизни... — эринибгина деди редактор ва мен тахтага шундай позицияни тердим.



— Бу ерда оқлар бошлаб уч юришда мот қилади. Ушбу масала шундай ечилади: оқлар 1.c7—c8 юриб, пиёдани фарзинга чиқаради ва қораларнинг ягона юриши — 1... Кр e7—f8 дан кейин 2.Фc8—f5 жавобини бериб, фарзинни пиёданинг «панаси»га олади. Бу билан оқлар ҳеч қанақа хавф солмайди-ю, лекин қоралар цугцванг ҳолатида қолади: шоҳ қаёққа — хоҳ ўнгга, гоҳ чапга юрмасин, 3. f7—f8 Ф дан кейин мот бўлади.

— Бори шуми? — сўради нохушроқ оҳангда редактор.

— Ҳа... Наҳотки, бу қизиқ бўлмаса? Ахир, бу ерда иккала пиёда ҳам фарзинга айланиб, натижада иккита симметрик мот вужудга келади-я!

— Бўшроқ...— дея уҳ тортиб қўйди редактор.— Лекин ўрганувчиларга бўлаверади. Позицияни бизга қолдиринг, яқин орада берамиз, аммо катта гонорарга кўз тутманг...

Мен вазиятни нотация — қисқа алифбеда ёзиб журнал редакциясида қолдирдим-да, унинг чиқишини сабрсизлик билан кута бошладим.

Тўққиз ой ўтди (шу ерда оналик туйғусига қилинган киёс ҳам тугади); мен энди тузган масаламни унута бошлаган ҳам эдимки, телефон қўнғироғи эсимга солиб қўйди уни. Бир шахматчи дўстим гапирарди:

— Табриклайман, табриклайман! Яхши масала тузибсан. Ростини айтсам, сендан буни кутмагандим!

— Нима, босиб чиқаришибдими уни?

— Ҳа-да, яна энг кўринишли жойда! Ажойиб ғоя — тахтада атиги бешта донаю, лекин иккала пиёда ҳам... чиқади-я.

— Ҳа, қизиқ,— камтарона рози бўлдим мен.

— Шуниси қизиқки, иккала пиёдани ҳам фарзинга чиқармай, балки... айлантириш керак!

— Қанақа, қанақа...

— Айтяпман-ку, оддий шахмат сипоҳларига деб. Чунки на биринчи юришда «c» пиёдасини, на иккинчи юришда «f» пиёдасини фарзин қилиб бўлади: пот!..

— Қанақа пот?— ҳеч нарсага тушунмасдим мен.

— Нима бўлди ўзи сенга, ўзинг тузган масалани унутиб қўйдингми? Ундай бўлса, журналнинг охирги сонини қара, эслаб кўр...

Журнални очиб ҳанг-манг бўлиб қолдим: менинг фамилиям остида шундай масала эълон қилинибди:



Ҳурматли дўстлар, таниқли совет шахмат проблемисти В. А. Корольков бу ҳикоясини аслида бошқачароқ ёзган. Иккинчи масаланинг жавобини ҳам берган унда. Биз уни хиёл ўзгартириб, ечиш йўлини топишни сизга вазифа — топшириқ шаклида келтирдик. Жавобини редакцияга йўллашингиз мумкин. Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси 41, «Тошкент оқшоми» газетаси «Камалак» шахмат клубига.

СССР спорт мастери М. МУҲИДДИНОВ тайёрлаган.

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

ҲОВУЗ ВА ҲАЛҚОБ

— Нега сени мақташгани-мақташган! — деб сўраб қолди Ҳалқоб Ҳовуздан.

— Чунки мендан сув ичишади, — деб жавоб берди Ҳовуз.

Ҳалқоб ҳасаддан кўкариб кетди.

ҲАҚИҚАТ

— Бормисан, Ҳақиқат!

—Нега йўқ бўлай, доимо борман. Мени кимки астойдил изласа—албатта топади.

У ҳақиқатни гапирарди.

МАЖЛИС НИМА ДЕМОҚЧИ ЭДИ!

Мажлис жуда чўзилиб кетди. Одамлар норози бўлиб дўнғиллай бошлашди:

— Шунақа мажлисни жинимдан баттар ёмон кўраман-да...

— Ҳа, аччиқ ичакдай чўзилиб кеди-ку, а!

— И-е, қизиқ экансизларку, одамлар! —дегиси келди Мажлиснинг.— Ахир мени ўзларинг шунақа чўзиб юбораяпсизлар-ку!

Аммо у индаёлмас, сергап, лақма нотиқлар унга навбат беришмасди.

МОЛАНИНГ ИШИ

— Ҳой гердайган кесаклар, огоҳ бўлинглар, мен кетдим! Шудгорнинг юзини эгаллаб, безрайиб ётганларнинг жиғини бир эзиб қўймасам бўлмайди шекилли, — деди Мола ишга тушаётиб.

У ўтгандан сўнг кесаклар анча мулойим бўлиб қолишди.

МУРАББО

— Мева эдим, яна қанд шакар қўшилди, пишдим, қайнадим, етилдим, қани, мазамни бир татиб кўринглар-чи — дерди Мураббо.

У бирам ширин бўлган эдики!

МЎЙЛОВ БИЛАН СОҚОЛ

Мўйлов ўзига зеб бериб, гердайиб юқорига қараб буралгани буралган эди.

— Ёшсан, ғўрсан — пишарсан, бир кун келиб мендек пастга тушарсан,— деб унга қараб селкиллаб кулди Соқол.

МЕҲМОНХОНА

— Уф, меҳмон деган изғиб кетди-ю! — деб жиғи-бийрон бўларди Меҳмонхона. — Келаверишади, келаверишади... Жонимга тегиб кетишди. Э, жой йўқ, йўқ!!

Меҳмонхонанинг ўзи кенгу, лекин кўнгли тор эди.

БИР МИРИ

— Мени ҳеч ким эсга олмайди-я... Ахир бир вақтлар биз ҳам пул эдик, қадр-қимматимиз бор эди, — деб қолди Бир мири.

— Хўш, қимматингиз ҳозирги бир тийинга тўғри келармиди!— деб сўрашди ундан.

— Йўқ, ундан арзонроқ, —деб жавоб қилди Бир мири.

— Тушунарли, — дейишди унга.

КЎРКАЛАМУШ НИМА ДЕЙДИ!

— Қуёшнинг биттагина камчилиги бор-да, —деди Кўркаламуш.

— Нима экан!

— У жудаям ёруғ-да...

МУЗҚАЙМОҚ

— Келиб қолинг, муздеккина қаймоқман, мени емабсиз — дунёга келмабсиз, —деб ўз-ўзини мақтарди Музқаймоқ.

Унинг мақтовига фақат ёш болалар учарди.

МАШШОҚЛАР

Дуторчи пардани сал баландроқ олиб қўйди, ғижжакчи эса сал пастроқ бошлади, чангчи андаккина тезроқ кетди, чилдирмачи эса озгина кечроқ қолди.

Лекин ана шу «салсал»лар туфайли куй чиқмади.

ЧАРХПАЛАК

— Дунёнинг ишлари шунақа: кеча юқорида бўлсангиз— бугун пастдасиз,— деб айланарди Чархпалак.

МАРСИЯ

— Юр, чаманзорда ўйнаб келамиз,— деди шўх ғазал Марсияга.

— Раҳмат ўртоқжон, боролмайман, — деди Марсия. Унинг кўзлари жиққа ёш эди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ХИЗМАТИДА

ЁШЛАР УЧУН

«Техслужбитприб о р» бирлашмасида чиқариш бирлашмаси келинлар учун янги медальон ишлаб чиқаришни жорий этди. Ўзига хос бўйинга осиб юриладиган оригинал ёдгорлик ёшларга албатта маъқул бўлади. Медальон учун буюртмалар Халқлар дўстлиги майдонида, Б. Хмельницкий кўчасида, «Пахтакор» марказий стадиони ёнидаги «Бахт уйи»да, шунингдек Весна кўчаси 223-уйда жойлашган 48-пунктда қабул қилинади. Усталар буюртмани 20 кун мобайнида бажариб беришади.

«Техслужбитприб о р» бирлашмасида (Весна кўчаси 223-уй) музика асбоблари, шарбатларни чиқарадиган миксерлар, турли ошхона жиҳозлари, дазмоллар ҳам ремонт қилинади.

Шанба фельетони

«ТЕЗ ЁРДАМ»МИ, КЕЧ ЁРДАМ?

Дунёда бировни интизор қилиб кутгандан ёмони йўқ. ...ҳақда шоирлар ҳатто ...лар тўқишган. Масалан: Йўлингда кўзларим ..., ишонмасанг келиб кўр; ...имга дармон келмади, ...маса келмасин нетай.

Демак, шоир-поир бўлсангиз ҳам, ...яхши, бировни кутаётганда эрта келмаса, кеч келса ҳам деб шеър тўқиб ўзингизни овутиб тураверасиз. ...роқ фақат ошиқ шоирлар... ...дардига дармонни кут... Бошқалар ҳам кутишади. Ҳамма ҳам зарурат ...да кимнингдир ёрдамига ...шилинч муҳтож бўлиши ...мкин. Бундай ёрдамни ...лаштириш учун махсус ...лефон номерлари ажратилган: «01», «02», «03», «04» ва ҳоказо.

Келинг, булардан «03»нинг ...ёрдамга муҳтож ҳамшаҳарла...нинг кўмагида териб кўрайлик. Аниқроғи улар бизнинг ...шикоятларини кутиб турмай, шу ...дан терилишган. Сўз Собир Раҳимов районидаги ...варишин кўчасининг 2-проезди 4-уйида яшовчи М. Юсуповга: Биз 31 май куни ...тунда соат 00 дан 2 гача «03» га улана олмадик. Телефонимиз бузуқми деб қўшниларникидан, телефон автоматидан қўнғироқ қилиб кўрдик, жавоб бўлмади. Ниҳоят ...машина топиб беморни касалхонага жойлаштириб қайтдик. Балки «03»нинг ўзига ёрдам керакдир деб қайтишда Акмал Икромов районидаги подстанцияга кириб ўтдик. Ишонинг, 9 та машина «гижинглаган» тойчоқлардек саф тортиб турарди. Навбатчи ўртоқларнинг айтишича, уларнинг телефони «03» эмас, балки «42-78-20», биз яшайдиган Собир Раҳимов райониники эса «46-54-00» экан. Энди билсак, «03» «тез ёрдам» эмас, «ҳеч ёрдам» экан.

Сўз навбати 1-Саперная кўчасидаги 6-уйнинг 3-квартирасида яшовчи Рустам Равшановга: Рафиқам тўсатдан беҳуш бўлиб, полга йиқилиб тушди. «03» га қўнғироқ қилдим. 29 май куни эрталаб соат тўққизлар эди. «Кутинг» дейишди. Телефон номеримизни ёзиб олишди. Икки соат кўчада ана келиб қолар, мана келиб қолар деб турдим. Яна қўнғироқ қилдим. «Ҳозир бориб қолар» деб жеркиб беришди. Биз, «келиб қолар» деб кутавердик. Тонг отиб, 30 май келди, лекин дардимизга дармон келмади. «Пуч ёрдам» экан.

Навбатдаги сўз «Марказ—6», 90-уй, 27-квартирада яшовчи Раъно Иноғомовага: 8 апрелдан 9 апрелга ўтар кечаси ўғилчамиз иситмалаб қолди. «03» га 15 марта қўнғироқ қилдик. Кимдир трубкани олиб, яна жойига қўяверди. «16» омадли рақам экан, трубкани эркак киши кўтарди. Роса суриштириб бўпти, ҳозир боради» деди. Роса икки соатдан кейин машина келди. «Тез ёрдам» эмас, «кеч ёрдам» экан.

Ранг кўр, ҳол сўр дейишади. Халқ назоратчилари иштирокида шаҳар тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш станцияларини айланиб кўрайликчи, аҳвол қандай экан! 14-подстанция (мудири Т. Рўзметов) чақириқлар китобига назар ташлаймиз. Бир қанча варақаларда чақириқ қабул қилинган пайт, қачон ва ким томонидан хизмат кўрсатилгани ёзиб қўйилмаган. Бу ерда хизмат кўрсатиш сифати назорат этилмайди, чақириққа бир ярим-икки соат кечикиб бориш ҳоллари рўй беряпти. Дори-дармонларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартибсиз. Дориларни очиқ шкафда сақлашяптики, аралаш-қуралаш бўлиб ётибди.

Ҳамшаҳарларимизнинг чақириғига 8-подстанцияда (мудири Г. Кожевникова) ҳам кўпинча «бориб қолар» тарзида жавоб беришар экан. Чақириққа икки ярим соат кечикиб бориш ҳоллари рўй беряпти. Диагностика ва хизмат кўрсатиш сифати масалалари оқсаяпти. Врачлар етишмайди, малака ошириш ишларига кам эътибор бериляпти.

Тез ва шошилинч медицина хизмати кўрсатиш хизматининг бошқа бир қатор станцияларида штат-молия интизоми ва ўриндошлик йўли билан ишлаш қоидалари бузиляпти. Махсус автобазанинг 264 та автомашинасидан 175 таси ҳар куни йўлга чиқади. Айрим машиналар носозлиги туфайли бирорта беморга хизмат кўрсатмай гаражга қайтиб кетар экан. 42 та автомашина эса ремонт қилинмай, гаражда чанг босиб тураверганидан бутунлай яроқсиз ҳолга келган.

Қисқаси «тез ёрдам»нинг ўзи ёрдамга муҳтож кўринади.

Иллат ё ошдан, ё бошдан деган гап бор. Сўз юритилаётган соҳа бошлиқлари ҳам ташкилий ишларни рисолага солишса, беморларга хизмат кўрсатишдаги иллатлар барҳам топса ажаб эмас. Аввало Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси раҳбарлари «тез ёрдам»га қўлни чўзсалар ёмон бўлмасди!

Бошқармага қарашли шаҳар тез ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш станцияси (бош врачи М. Маъсудов) бор. Бу станция раҳбарлари юқоридан бўладиган ёрдамни, айни пайтда аҳолининг эътирозларини қўл қовуштириб кутиб ўтирмасалар дуруст бўларди. Нуқсонлар уларнинг ўзларига яхшироқ аён. Улар жонбозлик кўрсатиб ишлашган тақдирдагина одамлар «тез ёрдам» ўрнига кинoя билан «кеч ёрдам», «ҳеч ёрдам», «пуч ёрдам» деб юришмаган бўлишарди.

М. МУРОДОВ.

РАССОМ ТАБАССУМИ



Изоҳнинг ҳожати йўқ.



—Сизда техника хавфсизлиги қандай?
— Мана бундай!



Ихтиёрий тутқунлик.




— Ўғлингизнинг тили чиққанми?
— Қани, опоқийларни бир сўкиб бер, Салимтой...

А. Холиқов расмлари.

• *Дам олиш соатида*

«Шифобахш ўсимликлар» чайнворди



1. Йўтал ва кўкйўтални даволашда ишлатиладиган мевали дарахт. 2. Қайнатмасидан меъда-ичак касаллигини даволашда ишлатиладиган тоғ ўсимлиги. 3. Қон босимини пасайтирувчи ўсимлик. 4. Фармацевтика учун зарур ўсимлик. 5. Сервитамин ўсимлик. 6. Тери касаллигини даволатишда қўлланадиган ўсимлик. 7. Баргида С витамини бўлган бута. 8. Мевасининг порошогидан тайёрланган суртмаси яраларни битирадиган дарахт. 9. Овқат ҳазм қилдирувчи сабзавот. 10. Алкалоидлар олиш учун экиладиган ўсимлик. 11. Уруғининг таркибида органик кислоталар бўладиган сабзавот. 12. Гулбаргининг шираси офтоб урганда ичиладиган бегона ўт. 13. Малҳами чипқонни даволайдиган сариқ беда. 14. Настойкаси тинчлантирувчи тоғ ўсимлиги. 15. Соч тўкилишида ишлатилувчи бир йиллик ўсимлик. 16. Уруғининг қайнатмаси қон туфуришга даво баргизуб. 17. Дамламаси ташналикни қондиришда ишлатиладиган ўсимлик. 18. Барги иштаҳа очувчи сабзавот. 19. Ҳароратни пасайтирувчи шифобахш ўсимлик. 20. Препарати экземани даволашда ишлатиладиган бегона ўт. 21. Қайнатмаси чанқов босувчи ўсимлик. 22. Таркибида ошловчи модда бўлган тоғ ўсимлиги. 23. Соя ерларда ўсувчи сурги дори сифатида ишлатилувчи ўсимлик. 24. Сариқ касаллигида ўт ҳайдовчи сифатида фойдаланадиган бир йиллик ўт. 25. Эфир мойига бой ўсимлик. 26. Нафас йўлларининг яллиғланишида қайнатмаси ишлатилган сариқ гул. 27. Барги дамланиб жигар оғриғига дори сифатида ишлатилган ўсимлик. 28. Таркибида олин, сапонин ва бошқа моддалар бўлган жағжағ ўсимлиги. 29. Бош оғриғида куйдириб ҳидланадиган ўсимлик. 30. Илдиз ва барги дамланмаси эшакемга дори ўсимлик. 31. Ибн Сино пайтида кўзга оқ тушганда даволаш учун ишлатилган ўсимлик. 32. Шишларни қайтариш хусусияти бор бегона ўт. 33. Мойи атеросклероз касаллигини даволашда қўлланадиган дон. 34. Настойкаси қон босимини пасайтирувчи бегона ўт. 35. Оғриқ қолдирувчи ўсимлик. 36. Настойкаси гинекологияда ишлатилувчи кўп йиллик ўсимлик. 37. Барги бронхиал астма касаллигида ишлатилувчи бегона ўт. 38. Ёш навдаларидан эфир мойи олинадиган доим яшил бута.

Тузувчи: **Ф. ҒАФУРОВ.**

2 ИЮНДАГИ ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Бурд. 2. Бўка. 3. Курс. 4. Торт. 5. Тоға. 6. Асуа. 7. Баку. 8. «Аида». 9. «Руан». 10. Куба. 11. Соат. 12. Одра. 13. Шоир. 14. Март. 15. Кадр. 16. Олим. 17. Бром. 18. Арра. 19. Сада. 20. Нура.

Шакл атрофидаги катакларда: **«Дўст оғир кунда билинар».** (Ҳикмат).

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга С. Юсупов, Н. Туркманов, Н. Келдиёрова, Н. Бурхонова, З. Турсунова, М. Ҳакимова, Г. Абдусатторова, Н. Илҳомова, А. Бўрибеков, И. Шодмонов, С. Садиров ва бошқа кўплаб ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга ташаккур билдирамиз.

БИЛДИРИШ

Халқаро лекторлар доимий семинари тингловчилари диққатига.

Шу йилнинг 25 июнида соат 18.30 да Билимлар уйида (Киров кўчаси, 24-уй) «АҚШнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги агрессив сиёсати» тўғрисида суҳбат бўлади.

Лектор: «Билим» жамияти аъзоси Г. М. Бударин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«Ошпаз ниқобидаги сеҳргарлар»

Газетанинг 19 май сонида ...(шу) сарлавҳа остида босилган шанба фельетонида ...мактаб боғчалари, мактаб... ошхоналари ишидаги ...камчиликлар танқид қилинган ...эди. Чунончи, Киров районидаги мактабларнинг ошхоналари ишидаги нуқсонлар кўрсатиб ўтилган эди.

Киров райони ошхоналар трести директори Ҳ. Каримовнинг жавобида айтилишича, мақола трестнинг кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилган. Йўл қўйилган камчиликларнинг сабаблари атрофлича кўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш юзасидан ташкилий-техникавий тадбирлар белгилаб олинди.

Нуқсонларга йўл қўйганликлари учун мактаб ошхоналарининг ошпаз-бригадирлари А. Смолова, А. Худойберганова, Т. Камолов, 3-ошхона бухгалтер-калькуляторн Ф. Ғуломов, савдо-тайёрлов базаси директори Д. Бобобековга виговор эълон қилинди. 3-ошхона ошпаз-бригадири Р. Демирчянга танбеҳ берилди. Мактаблар база ошхонасида ишнинг ташкил этилиши трест раҳбарлигининг қаттиқ назорати остига олинди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 25. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Футбол шарҳи».
10.05 Ҳужжатли фильм.
10.25 «Менинг жанговар ҳамроҳларим». Киноконцерт.
11.25 Болалар учун телефильмлар фестивали. «Азиз» («Ўзбектелефильм»).
12.30 С. Франк. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун ля мажор сонатаси.
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Мозамбик. Кураш ва бунёдкорлик». Киноочерк.
15.35 Болалар учун фильм. «Ляля-Руслан ва унинг дўсти Саня».
16.40 «Магнитка мактаби».
17.25 Мультфильм.
17.35 «Ерда, самода ва денгизда».
18.05 «Қувноқ нотачалар».
18.20 «Поэзия». М. Лисянский.
18.45 «Ишлар ва одамлар». «Кренгольмская мануфактура» ипгазлама комбинати коллективининг кадрлар тайёрлашдаги тажрибаси ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Футбол шарҳи».
19.55 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ярим финал. Франциядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти С. В. Образцов билан Останкино концерт студиясида учрашув.
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Болалик». Давлатнинг ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлиги ҳақида ҳужжатли фильм.
9.40 «Салом, мен келдим». Телевизион бадиий фильм.
10.45 «Будильник».
11.15 Классик куй ҳақида диалоглар.
12.10 «Рус тили».
12.40 «Фан ва турмуш». Дунё океанларининг муаммолари. 2-кўрсатув.
13.10 Болалар учун фильм. «Секач — футболчи» (Венгрия).
14.30 Қадимий қўшиқлар ва романслар.
14.55 «Бил ва уддала».
15.40 «Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот посбонлигида». Кўрсатувда СССР Юстиция министри Б. В. Кравцов, СССР Ички ишлар министрининг ўринбосари Б. К. Елисов, СССР прокуратураси умумий назорат бошқармасининг бошлиғи Г. С. Тарнавский иштирок этадилар.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Спорт программаси: В. И. Саввин хотираси учун волейбол бўйича халқаро турнир. Эркаклар. Енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Халқаро панорама».
21.15 П. Хиндемит. Альта ижроси учун соната. Ж. Брюнье (Франция) ижро этади. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Хушнудлик ва матонат билан». Бадиий фильм.
23.40 «Қадимий ғорлар сири». Телефильм.

Ўзтв I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Усмир ва қонун».
18.45 «Советский воин». Тележурнал (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус).
19.45 «Рангли тошлар». Манзарали фильм.
20.00 «Ниқобсиз сионизм». 1-кўрсатув (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва танбур тароналари». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Иванна». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.15 МТ II
18.05—18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40 «Қарагайлик Поповлар». Телефильм.
19.00 «Қизиқувчилар экрани».
19.30 Врач маслаҳати.
19.45 «Ўрмон сирлари». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.30 «Ўзбек киноси усталари». С. Ҳўжаев (тақрорий).
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 26. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
10.25 «Даврлар оша». Телефильм премьераси.
10.40 «СССР музикали фольклори». Концерт.
11.10 «Унутма... Луговая станцияси». Бадиий фильм.
12.30 «Музей портрети». Телефильм.
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Изланиш маршрутлари бўйлаб». Телефильм.
15.35 Франческо Мизиано. «Интернационалист ҳаёти». Туғилган кунининг 100 йиллигига.
16.05 Болалар учун фильм. «Қувноқ воқеалар».
17.20 Мультфильм.
17.30 Урал Давлат рус халқ хори ижро этади.
18.15 «Буратино кўргазмаси».
18.45 Жаҳонда биринчи саноат атом электростанцияси (Обнинск) ишга туширилганлигининг 30 йиллигига бағишланган кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати».
20.25 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Джаз панорамаси». 2-кўрсатув.
22.50 Ю. Казаков. Ҳикоялар.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 «Спорт ҳафталиги».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Ҳужжатли фильм.
9.40 «Хушнудлик ва матонат билан». Бадиий фильм.
11.10 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари Б. А. Рунов билан учрашуви.
11.50—12.15 «А. С. Пушкин ва Н. В. Гоголь».
12.45 Ҳужжатли фильм премьераси.
13.35 «Жельсоминонинг сеҳрли овози». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 1-серия.
14.40 «Шахмат мактаби».
15.10 «Чашмалар».
15.40 «Дунё ва ёшлар».
16.15 «Ердамга ошиқаман». Телефильм.
17.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.
19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.15—20.30 Халқ куйлари.
20.50 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати.
21.30 «Время».
22.05 «Фотима». Бадиий фильм.
23.40 «Москва бўйлаб саёҳат. Замоскворечье». Телефильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.50 «Илмий-техника тараққиёти — халқ хўжалигига» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Лола — тоғ гули». Телефильм.
19.55 «Ниқобсиз сионизм». 2-кўрсатув (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Р. Қурбонов, М. Тожибоев, М. Ҳожиматова ижросида ўзбек классик қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.20 «Одерда баҳор». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.15 МТ II
18.05—18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40 «Болалар денгиз ҳақида орзу қиладилар». Фильм-концерт.
19.10 «Бу ажойиб қўллар». Телефильм.
19.35 Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Биз танлайдиган роллар». Музикали фильм.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 27. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.15 «Халқ ижодиёти».
13.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари.
15.55 Кичик концерт.
16.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.45 Халқаро конкурс лауреати Н. Панкова чалади (фортепьяно).
17.10 «Инсон — замин соҳиби».
18.10 «Дунё ва ёшлар».
18.45 «Фан ва турмуш». Дунё океанларининг муаммолари. 3-кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мотоспорт бўйича халқаро мусобақалар.
20.10 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Музика ҳамма учун».
23.00 «Кўғирчоқ ўйини усталари». Телефильм премьераси.
23.20 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Лаҳзаларни тўхтатма». Илмий-оммабоп фильм.
9.30 «Фотима». Бадиий фильм.
11.05 «Ўтмиш билан учрашув». Қадимий Русь тарихидан.
11.55—12.40 Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида. «Нон қадри».
13.10—14.15 «Жельсоминонинг сеҳрли овози». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.45 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.15 Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Римбаева куйлайди.
16.05 «...16 ёшгача ва ундан каттолар».
16.50 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.
17.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Эквилибрист». Телевизион бадиий фильм.
20.05—20.30 А. Софронов шеърлари.
20.50 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. АСК — «Днепр».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Кичик юлдузлар». Фильм-концерт.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз» (тақрорий).
11.40 «Бургутча». Бадиий фильм (рус.).
12.55. Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Пионерлар мамлакатида».
18.40 «Адабий альманах».
19.10 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон — Тюменга». 1-кўрсатув (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Театр премьералари. Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрида «Отелло» спектакли.
20.30 «Ахборот».
20.50 Лирик концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши» (рус.).
22.40 «Сўқмоқдаги беш киши». Бадиий фильм.
23.55 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00 — 17.20 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 — 18.20 «Оқ йўл». Телефильм.
18.50 «Асов дарё ўзанида». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Классик куй сахифалари.
21.00 «Ягона сиёсий кун: муаммолар, саволлар ва жавоблар».
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 28. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Запорожье». Телефильм.
10.00 «Ҳайвонот оламида».
11.00 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.20 «Болаларга совға». Телефильм премьераси.
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Ҳужжатли фильмлар.
15.50 «...16 ёшгача ва ундан каттолар».
16.40 Болалар учун фильм. «Капитан».
17.10 Спорт гимнастикаси. Кўп курашнинг алоҳида турлари бўйича СССР кубоги ва чемпионати.
18.00 «Шахмат мактаби».
18.30 «Экономика: ҳамманинг ва ҳар бир кишининг иши». Хўжалик раҳбарларининг экономикани бошқаришдаги роли ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Финал. Франциядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Композитор А. Пахмутова билан учрашув».
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Эквилибрист». Телевизион бадиий фильм.
10.35 Мультфильмлар.
11.05 «Моҳир қўллар».
11.35 «Мўъжиза-дарахт». Телефильм.
11.55—13.00 «Жузеппе Вердининг сири».
13.30 «Қишлоқ янгиликлари».
14.30 «Бегоналар орасида ўзимизнинг одам, ўзимизнинг орамиздаги бегона одам». Бадиий фильм (субтитр билан).
16.05 «Цирк майдонида».
16.40 Концерт.
17.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 «Совет киноси». Киножурнал.
19.25 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.55—20.30 «Онамларнинг мактаби».
20.45 «Рус балети силуэтлари». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
21.05 «Учинчи меҳнат семестри». Олмаотада бўлиб ўтган студент қурилиш отрядлари қатнашчиларининг Бутуниттифоқ слёти ҳақида.
21.30 «Время».
22.05 «Камтарин аёл ҳақида ҳикоя». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Майор Земан билан содир бўлган 30 воқеа» сериясидан (ЧССР).
23.15 Мотобол бўйича СССР чемпионати. «Металлург» (Видное шаҳри) — «Вимпел» (Полтава).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Ақлли буюмлар». 1-серия (рус.).
11.25 «Айтайлик, сен капитансан». Бадиий фильм.
12.30 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш қанақа рангда» (рус.).
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол прожектори».
19.10 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон — Тюменга». 2-кўрсатув (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун».
20.15 «Шарқўзиевлар оиласи». Телеочерк.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». В. Холиқулов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Партия турмуши» (рус.).
22.40 «Сўқмоқдаги беш киши». Бадиий фильм.
23.55 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00 — 17.20 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 — 18.20 «Оқ йўл». Телефильм.
18.50 «Асов дарё ўзанида». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Классик куй сахифалари.
21.00 «Ягона сиёсий кун: муаммолар, саволлар ва жавоблар».
21.30 МТ II

ЖУМА, 29. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Сибирь тароналари».
10.10 «Қувноқ стартлар».
10.45 «Рябинадан тотиб кўринг». Фильм-концерт.
11.50 Телефильмлар.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Илмий-оммабоп фильмлар.
16.00 «Рус тили».
16.30 Болалар учун фильм. «4 «а» мушкетёрлари».
17.10 «Подмосковье қишлоқларининг бугуни ва эртанги куни».
17.40 Спорт гимнастикаси. Кўп курашнинг алоҳида турлари бўйича СССР кубоги ва чемпионати.
18.25 «Инсон ва қонун».
18.55 Мультфильмлар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.40 Буюк ғалабанинг 40 йиллигига. «Юлдуз». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Ҳужжатли фильмлар.
10.10 «Лўли ҳикоялари». Фильм-концерт.
11.00 Мультфильм.
11.20—11.50 Ихтирочилар ва рационализаторлар кунига. «Ҳўжаликни юритиш мактаби». «Қандай қилиб ихтирочи бўлиш мумкин».
12.20 М. Ю. Лермонтов. Эрксевар лирика.
12.50 «Мен қандай қилиб Вундеркинд бўлгандим». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия-лар.
15.00 Тарих саҳифалари. «Ишчи бўлиш — истеъдод». Ишчилар коллективининг меҳнат анъаналари ҳақида.
15.50 «Москвичка» телеклуби.
17.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Халқ куйлари.
19.00 «Саёҳатчилар клуби».
20.00—20.30 «Даньков учрашувлари». Телеочерк.
20.45 МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Сўнгги имконият». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Майор Земан билан содир бўлган 30 воқеа» сериясидан (ЧССР).
23.20 «Йўлда эҳтиёт бўлинг». Ҳужжатли фильм.
23.30 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Ақлли буюмлар». 2-серия (рус.).
11.25 «Украинада тўй». Кинолавҳа.
11.30 «Бу разведкада бўлган эди». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Бир асар тарихи». Ойбек. «Қутлуғ қон».
19.10 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон — Тюменга». 3-кўрсатув (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.).
20.15 «Нон — ризқ-рўзимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 Андижон педагогика институти дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Тинниб-тинчимаган қариялар». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 17.15 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Абитуриент — 84». Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институти.
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим».
19.15 Симфоник куйлардан концерт.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Бир поғона юқори». Ихтирочилар ва рационализаторлар кунига бағишланган кинопрограмма.
21.00 Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг 60 йиллигига. «Республика тенгдош» (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА, 30. VI

ИХТИРОЧИЛАР ВА РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Спортлото»нинг 26-тиражи.
9.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
10.20 «Канада». Кинокўрсатув.
10.55 «Сиз бунга қодирсиз».
11.40 «Ака-ука Бўриевлар». Телефильм премьераси (Тошкент).
12.10 Спорт гимнастикаси. Кўп курашнинг алоҳида турлари бўйича СССР кубоги ва чемпионати.
13.15 «Оила ва мактаб».
13.45 «Эртага — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни».
14.05 Бадиий ҳаваскорлар ижоди Бутуниттифоқ кўриги.
14.25 «Инсон. Ер. Коинот».
15.10 «Дунё воқеалари».
15.25 «Дўстларимиз чеҳраси».
16.10 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.10 Мультфильмлар.
17.40 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
18.15 «Бугун — Ихтирочилар ва рационализаторлар куни». Кўрсатувда ихтиро ва кашфиёт ишлари Давлат комитетининг раиси И. С. Наяшков иштирок этади.
18.45 «Хатларингиз асосида». Музикали кўрсатув.
19.30 «9-студия».
20.30 «Гулливер Лилипутлар мамлакатида». Телевизион бадиий фильм премьераси (Англия). 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Гулливер Лилипутлар мамлакатида». 2-серия.
23.10 СССР халқ артисти Т. Доронина С. Есенин шеърларини ўқийди. Фильм-концерт.
23.45 Урал Давлат консерваториясининг ўқитувчилари ва студентлари ижро этади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Рационализаторлар ва ихтирочилар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.
10.05 «Тонгги почта».
10.35 Сувга сакраш бўйича СССР чемпионати.
11.05 КИШИНЁВ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.20 «Олам кинокамера кўзгусида».
13.25 А. К. Толстой «Шоҳ Фёдор Иоаннович». Фильм-спектакль.
16.45 Сальваторе Адамо куйлайди (Бельгия).
17.40 Катталар учун мультфильм.
18.00 «Музикали киоск».
18.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
19.15 «Халқаро обзор».
19.30 Ф. Шопен. «Алла».
19.35 «Здоровье».
20.20—20.30 «Фан ва техника».
20.45 Чим устида хоккей бўйича халқаро турнир. Эркаклар. Аргентина — СССР терма командалари. 2-тайм.
21.20 «Москва». Кинокўрсатув.
21.30 «Время».
22.05 Ф. Шуберт. «Тегирмончининг гўзал хотини» вокал туркуми.
23.05 «Элегия». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Саломат бўлинг!» Физкультурачиларга маслаҳатлар.
10.55 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Кинопублицист экрани».
11.40 «Эзгулик». Бадиий фильм.
13.05 «Абитуриент-84». Тошкент Давлат алоқа институти.
13.35 «Инсон ва табиат» (рус.).
14.05 Ўзбекистон телевидениеси чолғу ансамблининг концерти.

* * *

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Душанбадан олиб кўрсатилади.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Буюк ва қудратли».
18.30 «Бугун — Ихтирочилар ва рационализаторлар куни» (рус.).
18.50 «Олам дарди адиб қалбида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Тошкент хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 Тошкент хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 Телеэкранда биринчи марта. «Рассом хотинининг портрети». Бадиий фильм.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● 16.55 — 21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 1. VII

ДЕНГИЗ ВА ДАРЁ ФЛОТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Баскетбол бўйича халқаро турнир. Эркаклар. СССР — Италия терма командалари. Венгриядан олиб кўрсатилади.
10.20 «Будильник».
10.50 «Совет Иттифоқига қиламан!»
11.50 «Здоровье».
12.35 «Тонгги почта».
13.05 «Қишлоқ янгиликлари».
14.05 «Музикали киоск».
14.35 Болалар учун фильм. «Сейдон ёрдам кўрсатади».
15.40 «Хо Ши Мин. Чашма ҳотира». Телефильм.
16.30 Концерт.
16.40 Мультфильм.
17.30 «Шу куннинг тарафдори». Йўлда ҳал этилмоқда... Эстония ССР партия ташкилотларининг наткашлар ҳатлари, таклиф ва шикоятлари билан тажрибаси ҳақида.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Бугун — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни. Хатларингиз асосида» кўрсатув.
20.30 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 Чет эл эстрадаси кўшиқчилари.
23.05 «Архангельск музейларида».
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 Телефильм премьераси.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Ровесники» халқ ашула ва рақс ансамбли ижро этади.
10.55 «Амударё, қамоққа олсанг!» Телефильм (Тошкент).
11.15 Концерт.
12.05 «Ҳайвонот оламида».
13.05 «Стадион ҳамма учун».
13.35 Останкино концерт студиясида кулги кечаси.
15.05 Машҳур совет инженери — Ленин мукофотининг эгалари.
16.05 «Мухбирларимиз қабул қиладилар».
16.35 «Атланлар ва ҳеркулеслар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
18.05 «Музей ва кўргазмалари бўйлаб».
18.35 Мультфильм.
18.45 Сув чанги спорти бўйича халқаро мусобақалар.
19.20—20.30 «Елканлар бахс ўйнайди». Бадиий фильм.
20.45 Чим устида хоккей бўйича халқаро турнир. Эркаклар. «Спартак» —СССР терма командалари. 2-тайм.
21.20 «Кўча бўйлаб кўшиқ борардик».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Днепр».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига бағишланган «Оқ эшик». Бадиий фильм.
11.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
12.55 К. Омаров, К. Мотин. «Қасам ва виждон». Ўзбек номли Хоразм Давлат музикали драма театри спектакли (тақрорий).
14.30 «Оналар мактаби».
15.00 «Замандаш». Қишлоқ ҳаёти ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).
15.50 Реклама.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильмлар.
18.30 «Абитуриент-84». Тошкент номли ТошДУ.
19.00 «Сенга, фестивал». Қўшиқлар уйида Ўзбекистон рассомларининг вернисажи.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ягона оила». Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига бағишланган ҚҚАССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган ҚҚАССР республика областларининг ... фестивали. Экранда — Ферғона области.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Маҳаббо, талантларга ... ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телефестивали. Экранда — Ферғона области (давоми). Кўтув тугагач — Кўрсатувлар программаси.
● 16.30—21.30 КИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

«Главташкентстрой»
«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ 2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

минорали кран машинистлари ва минорали кранлар ремонти бўйича электрослесарларни тайёрлайдиган 4,5 ойлик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда рус тилида олиб борилади.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия тўланади.

Минорали кранларнинг машинистларини тайёрлайдиган курсларга 18 ва ундан катта ёшдаги қизлар ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинадилар;

Минорали кранлар ремонти бўйича электрослесарларни тайёрлайдиган курсларга Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шимолий Ғарбий саноат зонаси (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси, 103, 122-автобусларнинг «7-автопарк» бекати).



ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИДА

«ТУГАТИШГА ҚИРИШИЛСИН»

ЯНГИ КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Сценарий муаллифи— Э. ХРУЦКИЙ.
Режиссёр — Б. ГРИГОРЬЕВ.
РОЛЛАРДА: О. Стриженов, В. Лановой, М. Жигалов, Г. Юматов, Н. Бутирцева ва бошқалар.

Э. Хруцкийнинг «Тўртинчи эшелон» трилогиясининг якунловчи қисми асосида суратга олинган бу детектив фильм совет милициясининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ишига бағишланган.

Фильмнинг мазмуни эндигина фашистлардан озод этилган Ғарбий Белоруссиянинг территориясида ҳаракат қилган тўдалардан бирини тугатиш тарихини қамраб олади.

М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/VI да **Тумарис**, 24/VI да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/VI да **Зебуннисо**, 24/IV да **Келинлар қўзғолони**.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

контролёр-кассирлар тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ва озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиларини тайёрлайдиган
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган тошкентлик қизлар ва йигитлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини тугатганлар йирик магазинларга ишга йўлланма билан юборилади ва уларга Совет савдоси техникумининг кечки бўлимига кириб ўқишлари учун имтиёзлар берилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 2, 3, 22, 39, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). 55-75-15 телефони бўйича справкалар олиш мумкин.

кино

23, 24 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ»—**Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Фестиваль** (21.40, телефон 32-78-02). **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92). **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда телефон 66-15-75).

«ПАРИЖ ФОЖИАСИ» **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25). **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01). **Хива** (21.40, телефон 2...

«ОЛТИН БИЛАН БАР»— **Ҳамза номи** соатларда, телефон 6...

«БЎРИ УЯСИ»— **М... зода номли** (11, 14, 17 телефон 42-39-74).

«ГАПЛАШИБ ОЛ... АКА»—**С. Раҳимов номи** 13.30, 16, 18.30, 21.0... фон 48-46-71).

«ОППОҚ ШУДРИ... **Искра** (жуфт соатлар... фон 39-14-59).

«ТИРИКЛАЙИН ... ОЛИШ БУЮРИЛГАН... **гинобод** (тоқ соатлар... 96-36-21).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

ҲАМЗА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МУЗЫКА БИЛИМ ЮРТИ

26 ИЮНДА 15.00 ДАН 18.00 ГАЧА

билим юртига кириш истагида бўлган абитуриентлар учун

АНЪАНАВИЙ ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ УТКАЗАДИ

ПРОГРАММАДА — билим юрти раҳбарлари, бўлим мудирлари, ихтисосликлар: фортепьяно, торли чолғу асбоблари, ихтисослаштирилган синфлар, хор дирижёрлиги, ашула, ўзбек халқ чолғу асбоблари, баян, эстрада оркестрлари, музика назарияси ва чолғу асбоблари педагогикаси бўйича машғулотлар ўтказилади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 35-уй. Телефон 33-58-57.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш ва шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-56.

23 ИЮНЬ, 1984 й.

Р—12336. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9